Бундан ташқари 2025 йилдан бошлаб сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,5 камайтирувчи коэффицент қўлланилиши, сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий қилинганда ёки сугориш учун олинган сув хажми сув ўлчаш ускуналари асосида аникланганда сув солиги ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффицент қўлланилиши, сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий қилинмаганда ҳамда суғориш учун олинган сув хажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланмаганда сув солиғи ставкасига 1,1 оширувчи коэффицент қўлланилиши каби талаблар белгилаб қўйилди.

Мухтасар айтганда, ҳар биримиз келажак авлод олдида жавобгарлик туйгусини хис килган холда, об-хаётни тежабтергаб фойдаланишда унинг хар қатрасини тўтиё билиб, оқилона, унумли ва самарали фойдаланишимиз шарт!

> Сайфиддин БЕГИМКУЛОВ,

«Сувхўжаликназорат» инспекцияси Сурхондарё вилояти бошқармаси бош мутахассиси.

Бугун хаётимизнинг барча жабхаларига инсон тафаккурининг махсули бўлган замонавий технологияларнинг шиддат билан кириб келиши, янгидан-янги имконият ва кулайликларни яратмокда, жамият тараққиёти юксалиши, халқ фаровонлигининг янада ошишига хизмат килмокда. Илмфан сохаси тез суръатларда ривожаланётган XXI аср ахборот технологиялари ва интеллектуал салохият асри сифатида эътироф этилаётгани хам бежиз эмас. Табиийки, ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар даврида кишиларнинг атрофида юз бераётган вокеа-ходисаларни билиш, ўрганиш ва тадкик этиш хамда хулоса чикаришга бўлган эхтиёжи хам ортади. Ахборот алмашуви жараёнларининг такомиллашуви натижасида телевидение, радио ва матбуотдан ташқари яна бир мукаммал тизим – интернет ҳаётимизга кириб келди.

Телекоммуникация сохасидаги қулай, тезкор ва замонавий усуллардан бири бўлган бу тармок имкониятларни янада оширди. Ундан исталган маълумотни қисқа фурсатда олишимиз, фойдаланишимиз, билимларимизни мустахкамлашимиз ва янгиликлардан хабардор бўлишимиз мумкин. Чегара билмас ахборот манбаидан фойдаланишда маълум меъёрларга амал килиш эса инсонларни турли оммавий ахборот "хуруж"лари, норасмий манбаларнинг салбий таъсиридан сақлашда мухим

Тармоқ орқали миллий ментапитетимизга хос ва мос бўлмаган ғарбона ҳаёт тарзини тарғиб этувчи турли саёз ва жангари фильм, мультфильм, шоу дастур хамда видеороликларни томоша килиш, зўравонлик акс этган компьютер ўйинларини ўйнаш, айрим ёшларнинг таълим-тарбияси, турмуш тарзи ва маданиятига салбий таъсир лар шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида кундалик турмушда кутилмаган муаммо ва кўнгилсизликларни келтириб чикармаслигига хеч ким кафолат бера олмайди.

Давлатимиз сиёсатининг устивор мақсадларидан бири ёш авлодни жисмонан ва рухан соглом, ақлан баркамол қилиб вояга етказиш, уларни келажагимизнинг муносиб ворислари этиб тарбиялашга кўмаклашишдан иборатдир. Шундай экан, бу борада хаммамиз фарзандларимиз тарбияси учун бирдек масъул

Компьютердан фойдаланаётга-

дан электромагнит тўлкинларини мухофаза қилиш мақсадида қуйида-

мобиль телефонларини 7 ёшга-

тарқатишини хисобга олиб, ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини ги тавсияларга эътибор қаратиш

ча бўлган болаларга бериш мумкин эмас; мобиль телефонларингизни ётокхоналарда саклаш мумкин эмас мобиль телефонлари орқали узоқ муддат гаплашиш мумкин эмас; мобиль телефонларни юрак атрофида олиб юрманг; транспорт воситала рида мобиль телефонлардан фойдаIjtimoiy himoya

Nogironligi bo'gan shaxslar

ularning bandligini ta'minlagan tadbirkorlarga subsidiya ajratish tartibi belgilandi

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 1-iyuldagi 405-son qarori bilan "Nogironligi boʻlgan shaxslar bandligini ta`minlashga koʻmaklashish, ularning bandligini ta`minlash hamda mehnat qilishini qo'llab-quvvatlashni rag'batlantirish tartibi toʻgʻrisida"gi nizom tasdiqlandi.

Ushbu Nizomga koʻra nogironligi boʻlgan shaxslar bandligini ta`minlagan tadbirkorlar hamda xususiy bandlik agentliklariga quyidagi qo'llabquvvatlash choralarini taqdim etish tartibi belgilandi. Nizomga

bandlikka koʻmaklashish subsidiyasi maqsadida ish oʻrinlariga moslashtirish boʻyicha "Nogironligi bo'lgan shaxslar bandligiga koʻmaklashish elektron reyestri" axborot moduli yuritilishi belgilandi:

bandlikka koʻmaklashish subsidiyasi quyidagi talablarga javob beradigan tadbirkorlarga Elektron reyesterda tirgan I va (yoki) II guruh nogironligi boʻlgan shaxsni kamida 3 oy davomida uzluksiz rasmiy bandligini ta'minlagan tadbirkorlarga berilishi nazarda tutilgan;

mazkur davrda unga har oyda mehnatga haq toʻlash eng kam miqdorining 2 baravaridan kam bo'lmagan miqdorda ish haqi toʻlagan boʻlishligi koʻrsatigan. Ish oʻrinlariga moslashtirish

boʻlgan shaxslar uchun surdotarjimon, psixolog yoki hamrohlik xizmatini tashkil qilgan tadbirkorlarga 50 million soʻmgacha miqdorda subsidiyalar ajratilishi belgilangan.

subsidiyasi bandligi ta`minlangan

I va (yoki) II guruh nogironligi

Subsidiyaning har oylik miqdori quyidagicha:

surtarjimon xizmati uchun BHMning 8 baravari;

psixolog xizmati uchun BHMning 10 baravari;

hamrohlik xizmati uchun BHMning 5 baravarigacha berilishi koʻrsatilgan.

Tadbirkorlar ushbu subsidiyalarni olish uchun "Yagona milliy ijtimoiy himoya" axborot tizimi yoki YAIDXP (my.gov.uz) orqali elektron so'rovnomani to'ldirish orqali murojaat qilishlari mumkin.

Faxriddin NEMATOV, tuman adliya bo'limi yuridik xizmat koʻrsatish markazi bosh yuriskonsulti.

Бош прокуратура хузуридаги Департамент фаолиятидан

Тежамкорлик ва огохлик зарур

Энергия ресурсларидан нидан газ таъминоти сохаси фойдаланиш хам иктисодий, ҳам экологик жиҳатдан муҳим вазифа хисобланади. Маълумки, табиий газ тармоқлари изчил тартибда таъмирланиб, техник кўрикдан ўтказиб борилиши зарур. Чунки турли омиллар сабаб уларга шикаст етиши ёки қувурлар эскириши туфайли қимматли энергия йўқотилиши мумкин.

Шундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида вилоятимиз қайд этилган ва унинг зарари худудида Бош прокуратура хузуридаги иктисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг вилоят бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари ходимлари томо- 11,9 минг метр куб табиий газ

яққол кўзга ташланади.

оқилона ва тежамкорлик билан мутахассислари билан биргаликда 3260 метр узунликдаги қувурлар бўйича ўрганишлар амалга оширилди. Мазкур жараёнда 13 та холатда тармоклардан газ сизиб чиқаётгани аникланган. Тахлилларга кўра, бу носозликлар оқибатида 189 минг куб метрга якин киймати 476,4 миллион сўмлик табиий газ йўқотилган. Юкоридаги носозлик холат-

лари энг кўп Термиз шахрида 440 миллион сўмликдан ортик микдорни ташкил қилган. Денов туманидаги биргина газ сизиб чиқиш ҳолати туфайли эса қарийб 31 миллион сўмлик

йўқотилган. Албатта, аниқланган камчиликлар тез фурсатда бартараф этилди. Шу аснода жами 15264 нафар ахоли истиқомат қилаётган 4172 та хонадонларда юзага келган газ таъминоти билан боглиқ муаммоларга бархам берилди.

Департамент тузилмалари соха мутахассислари билан биргаликда ушбу ўрганиш ва тахлилларни давом эттирмоқда. Ўз навбатида, алокадор ташкилотлар хамда жамоатчилик вакилларини газ сизиб чикиш холатларининг олдини олиш бўйича огох бўлишга ча-

д.исмоилов, Департаментнинг Термиз шахар бўлими тезкор вакили.

Шунингдек, Музработ тумани

Компьютер ва мобиль телефон

ёхуд бу замонавий воситаларнинг инсон саломатлигига таъсири

қилаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Бу каби жамиятимизга хос бўлмаган иллатларнинг олдини олишда фарзандларимизни ташқи таъсирлар, айниқса, интернет ва хорижий телеканаллар орқали намойиш этилаётган ғаразгўйликларни тарғиб этувчи воситаларлан химоя қилиш ҳар биримизнинг бур-

Олимларимизнинг берган маълумотига кўра, жангари компьютер ўйинлари, айникса, болаларда кизикқонлик ва муросасизлик, атрофдагиларга нисбатан бефарқ, шафқатсиз муносабатда бўлиш, ўз хиссиётларини устун қўйиш, ўйиндаги холатларни реал хаётда такрорлашга бўлган иштиёқ каби салбий холатнингизда қуйидагиларга амал қилинг: компьютер олдида бир соатдан

ортик ўтирманг: кўз билан монитор орасидаги оралик масофа 50 сантиметрдан кам бўлмасин; компьютер олдида кўп муддат ва нотўгри ўтириш умуртқа погонасининг қийшайишига олиб келади; компьютер турган хонани тез-тез шамоллатиб туринг; компьютерда ишлаб бўлганингиздан сўнг жисмоний машқлар билан шуғулланинг; кўз чарчашининг ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН КЎЗНИ ЮМИБ-ОЧИШ машқларини бажаринг; кўзларингиз дам олиши учун чой шамасини халтачаларга солиб ярим соат давомида кўзларингизга қўйиб ётинг; ноутбукдан фақатгина стол устига қўйиб

фойдаланинг. Мобиль алока телефонлари ўзи-

Мобиль телефонларингиздан чи каётган нурлар мия фаолияти, эшитиш, сезиш қобилиятига салбий зарар етказади. Соат сайин ривожланиб бораётган ахборот технологиялари даврида техник воситалардан окилона ва тўгри фойдалансаккина ўз соглигимизга зарар етказмаган

н.яхшибоев, **Ўзбекистон Экологик партия**си Музработ тумани Кенгаши

Т.МАХМАДАЛИЕВ,

республика саломатлик ва стратегик ривожланиш институтининг туман бўлими врачи, Экологик партияси туман Кенгаши аъзоси.

Sharipov Rustam Saidovichga 2011-yil 28-sentabrda berilgan 091128 ragamli haydovchilik guvohnomasi va uning O'zR № 1733628 ragaml oqohlantirish taloni yoʻqolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Tursunov Tohirga 2020-yilda berilgan «B» toifali AF № 2084323 raqamli haydovchilik guvohnomasi yoʻqolganligi sababli BEKOR QILINADI.

Yadgarov Ibodullo Egamberdiyevichga 1988-yil 23-iyulda berilgan ABC № 024283 raqamli haydovchilik auvohnomasi yoʻqolganligi sababli **BEKOR** QILINADI.

Shoberdi Xudoymurodov Shokir oʻgʻliga 2024-yil 26-martda berilgan «B,C» toifali AG № 2022748 raqamli haydovchilik guvohnomasi yoʻqolganligi sababli BEKOR QILINADI.

Сифатсиз махсулотлар аниқланди Яширин иқтисодиёт давлат қилиш ҳолатлари ҳам афсус-

ва жамият учун оғир оқибатки, учраб турибди, Термиз шахрининг "Жайларга сабаб бўлиши мумкин. Агар дунё мамлакатлари хун" маҳалласи ҳудудида жойиқтисодиётининг ўзаро инлашган тадбиркорлик субъектеграциясини инобатга ол- ти рахбарининг ноконуний сак. бу иллатнинг халкаро ми- харакатлари фош этилди. Маъқёсдаги салбий таъсири ҳам лум бўлишича, у корхонага тегишли бўлган алкоголь махсу-Мамлакатимизда тадбирлотлари савдо дўконида қонункорлик фаолияти ривожига га хилоф равишда сифатсиз катта эътибор қаратилган. Иш- ва кирим хужжатлари бўлмалаб даромад топишни, ўзи ва ган 50 турдаги 1938 дона қийатрофдагиларга наф келти- мати 68,2 миллион сўмлик алришни истаган тадбиркорлик коголь махсулотларини сотиш

Халқобод қўргонида жойлашган хусусий корхонага тегишли алкоголь махсулотлари савдо дўконида хам сифатсиз ва кирим хужжатлари бўлмаган 144 турдаги 639 дона қиймати 30,8 миллион сўмлик алкоголь махсулотлари ҳамда 46 турдаги 1622 қути қиймати 38,2 миллион сўмлик тамаки махсулотларини сотиш максадида саклаб келинаётганлиги аниқланди. Бу қолатда ҳам алкоголь ва тамаки махсулотлар-

қўйилди Б.КУРБОНОВ. Департаментнинг Музработ тумани бўлими тезкор вакили.

ни далилий ашё сифатида олиб

Акцияга таклиф этамиз

имкониятларни суиистеъмол лил сифатида олиб қўйилган.

БЕГАРАЗ ДОНОРЛИК

хужайралардан иборат. Унда эритроцит, лейкоцит, трамбоцит, моноцит, эозинофил, лимфоцит хужайралари мавжуд. Қоннинг қизил рангини эритроцитлар белгилаб беради. Эритроцитлар қонда ҳар 28 кунда тўлиқ алмашади, яъни жигарда, талокда, суяк кўмигида қон ҳужайралари ишлаб чикарилади.

субъектлари хам молиявий,

ҳам ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-

қувватланмоқда. Бироқ бундай

Донорлик бу ихтиёрий равишда ҳар ойда мунтазам қон топшириш демакдир. Қон топшириб, сиз ҳаёт давомида орттирилган касалликлардан азият чекаётган ёки операция ва йўл-транспорт ходисаси туфайли ҳаёт билан видолашаётган кишининг умрини сақлаб қоласиз. Донор киши кон топшириб, аввало, ўз юрак-қон томир зўрикишларини олдини олади.

Қон миллиардлаб майда Шунинг учун донор оддий одамлардан 6-8 йил кўп умр кўради.

мақсадида сақлаб келган. Тад-

бир жараёнида аниқланган

ушбу махсулотлар ашёвий да-

2023 йил 1 январдан бошлаб "Ўзбекистон Республикаси фахрий донори" кўкрак нишони билан такдирланган шахсларга бир йўла бериладиган пул мукофоти базавий хисоблаш миқдорининг 5 бараваригача оширилди. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси фахрий донори" кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга қуйидаги хуқуқлар берилади:

-улар учун қулай бўлган вақтда йиллик асосий мехнат таъ-

-шахар жамоат транспортининг барча турларидан бепул фойдаланиш;

-давлат санаторий-курортларида даволаниш учун йўлланмаларни навбатсиз

-доимий (йилига камида 3 марта қон топширувчи) донорлар ва уларнинг якин кариндошлари (ота-оналари, турмуш ўртоги, фарзандлари, ака-укалари) стационар даволаниш

ри билан бепул таъминланади. Туманимизда 2024 йил 673 нафар донордан 339,2 литр қон препаратлари тайёрланди. 2025 йилнинг биринчи ярмида эса 336 нафар донор топширган қон миқдори 67,2 литрни ташкил этди. Фаол донорларимиздан Раим Холиков, Гулинор Донаева, Жўрабой Каримов, Рўзимахмад Норкуловларни алохида

жараёнида зарурат тугилганда

қон ва унинг таркибий қисмла-

эътироф этиш жоиздир. Туманимиз ахолисини беғараз донорлик акциясига таклиф қиламиз. Донорлик қилингумрингиз узаяди.

Икромиддин ТУРСОАТОВ. туман тиббиёт бирлашмаси қон қуйиш бўлими бошлиғи.

= Kitobxonlik =

Insonga qanoat bag'ishlovchi kuch

manbayidir. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta`kidlaganlaridek, kitob oʻqigan, oʻzini ustida ishlagan odamda qanot boʻladi. U befarq bo'lmaydi. Uning kuchi bilimida bo'ladi. Shuning uchun hech kimni pisand gilmaydi. "Kattalar"ga xushomad qilmaydi. Uning bilimi bor, ilmi bor. Mana nima uchun kitob o'qinglar deymiz. Kitob oʻqisangiz savol berishni bilasiz.

Zamon qanday oʻzgarmasin, texnologiya qancha taraqqiy etmasin, insoniyatning eng sodiq do'sti bo'lib qolaveradigan bir ne'mat bor. Bu - kitob. Kitob bu shunchaki yozuvlar toʻplami emas, qalbning oynasi, sinadiradi.

Bugungi kunda axborot oqimi shiddatli, internet har birimizning qo'l ostimizda. Lekin shunday zamonda ham kitob oʻz ahamiyatini yoʻqotgani yoʻq. Chunki u insonni chuqur o'yga toldiradi, ma'naviy tarbiyalaydi va eng asosiysi - qanoatlilik tuygʻusini uygʻotadi. Kitob oʻqigan odam koʻp biladi. Bilim qilishdan, keraksiz hoyuhavaslarga berilmaslikdan asraydi. Aynan bilimli inson dunyoga real koʻz bilan qaraydi,

Kitob ma'naviy ozuqa tafakkurning mevasidir. Aynan boriga shukr qiladi, o'z imkoniyatlari doirasida yashashga, oʻzini takomillashtirishga intiladi. Zero, ganoat bu - boylikning kalitidir.

Tarixda koʻplab buyuk shaxslar kitob orqali ulgʻaygan, o'z yo'lini topgan. Ulug' mutafakkirlar, yozuvchilar, olimlar kitobni hayotining ajralmas bir qismiga aylantirgan. Ular o'z asarlari orqali ham bizga sabrni, bardamlikni, mehnatni, ganoatni o'rgatishgan. Masalan, Abdulla Qodiriy, Choʻlpon, Fitrat kabi ijodkorlarning asarlarida inson ruhiyati, ichki kechinmalari, boriga shukur qilish motivlari

chuqur yoritilgan.

shakllantirish uchun, eng avvalo, ularga kitob oʻqish madaniyatini singdirishimiz lozim. Har bir oʻqilgan sahifa, har bir fikr inson ongini yoritadi. Bu yoritilgan ong esa bor narsani qadrlashga, chuqurroq yashashga intilishni o'rgatadi. Qanoatli inson hech qachon hasad qilmaydi. U o'z hayoti, oilasi, mehnati va orzulari bilan faxrlanadi. Kitob esa bu yoʻlda eng yaqin yoʻldoshdir. U insonni o'z ustida ishlashga, sabrli bo'lishga va eng muhimi, boridan mamnun bo'lishga chorlaydi.

Bugungi osib kelayotgan yoshlarni telefonga emas, kitobga oshno qilsak - ertaga biz qanoatli, tafakkurli, yuksak ma'naviyatli avlodni tarbiyalaymiz. Zero, kitob - hayot maktabi, ruh ozuqasi va qanoat manbaidir.

Sarvara ABDURAXMONOVA, Bugungi yosh avlodning TerDU o'zbek filologiyasi qalbida qanoatlilik tuygʻusini fakulteti 3-bosqich talabasi.

So'ragan edingiz

Nogironlik pensiyasini proaktiv shaklda tayinlash tartibi "Nogironlik pensiyasi va kompensatsiyalarni

proaktiv shaklda tayinlash tartibini belgilash toʻgʻrisida"gi Hukumat qarori (2025-yil 30-iyun 398son) qabul qilindi. Qaror bilan "Nogironlik pensiyasini proaktiv

shaklda tayinlash boʻyicha davlat xizmatini ko'rsatish" sxemasi tasdiqlandi. Qarorga ko'ra, proaktiv shaklda pensiya tayinlangan yoki tayinlash rad etilgani toʻgʻrisidagi ma'lumotlar fuqarolarga SMS-xabar koʻrinishida yuboriladi.

Bunda SMS-xabarni yetkazish imkoni bo'lmaganda xabarlar respublika byudjeti mablag'lari hisobidan fuqaroning yashash manziliga vetkazib beriladi.

2025-yil 1-oktabrgacha "Pensiya" axborot tizimida fuqarolarning JShShIR ma'lumotlari asosida ularning nomiga rasmiylashtirilgan mobil aloqa abonent raqamlariga qoʻngʻiroq qilish imkoniyati yaratiladi. V.NAZAROV.

Termiz shahar adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti. Mehnat shartnomasining shakli qanday

bo'lishini bilasizmi? O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 106-moddasiga koʻra, Mehnat shartnomasi bir xil kuchga ega bo'lgan kamida ikki nusxada yozma

(qoq'ozda yoki elektron) shaklda tuzilib, ularning

har biri taraflar tomonidan imzolanadi. Elektron shakldagi mehnat shartnomasi qonunchilikda belgilangan tartibda "Yagona milliy mehnat tizimi" idoralararo dasturiy-apparat rasmiylashtiriladi. majmuida shartnomasining har bir nusxasi xodimning va ishga qabul qilish huquqiga ega bo'lgan mansabdor

S.SAYFIDDINOV, Termiz shahar adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i.

«Yashil» davlat xaridlarini qo'llabquvvatlash tizimi takomillashtiriladi

shaxsning imzolari bilan mustahkamlanadi.

"Yashil" davlat xaridlarini qo'llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida"gi Hukumat qarori (2025-yil 18-iyun 371son) qabul qilindi.

Qarorga koʻra, davlat xaridlarini amalga oshirishda 'yashil" davlat xaridlari tizimi joriy etiladi hamda "yashil" davlat xaridlari ulushi 2030-yilgacha bosqichmabosqich 30 foizga yetkaziladi. 2026-yil 1-yanvardan davlat xaridlarini amalga oshirishda ekologik mezonlar eng yaxshi takliflarni tanlash va tenderlardagi xarid qilish hujjatlariga majburiy tartibda kiritiladi.

Bunda: ekologik markirovkalash hujjatining har bir turi uchun toʻplangan ballarning 5 foizi miqdorida go'shimcha ball beriladi:

ishtirokchi taklifining ushbu mezonlarga mos kelmasligi ishtirokchini xarid qilish tartib-taomilidan chetlatish uchun asos bo'lmaydi.

Bundan tashqari, davlat buyurtmachilarining 2026yil uchun davlat xaridi bilan bogʻliq xarajatlarda "yashil" davlat xaridlari ulushini kamida 15 foizga yetkazishi, ushbu koʻrsatkichni har yili kamida 5 foizga oshirib borish bo'yicha choralar ko'rishi belgilandi.

S.AKRAMOV, Termiz shahar adliya boʻlimi yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti. Ishni ta'lim bilan birga olib boruvchi xodimlar uchun kafolatlar va kompensatsiyalar

Ish beruvchi mehnat shartnomasi boʻyicha ishdan ajralmagan holda ta'lim tashkilotlarida o'qitilayotgan, qayta tayyorlashdan yoki malaka oshirishdan o'tayotgan, shuningdek, ishlab chiqarish ta'limini o'tayotgan xodimlarga ish va o'qishni birga olib borish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishi shart. Mehnat shartnomasi boʻyicha ishdan ajralmagan

holda ta'lim tashkilotlarida tahsil olib, o'quv rejasini

bajarayotgan xodimlarga ish joyi bo'yicha o'rtacha

ish haqi saqlangan holda o'quv ta'tili, qisqartirilgan

ish haftasi hamda mehnat to'g'risidagi

qonunchilikda va mehnat haqidagi boshqa huquqiy hujjatlarda belgilangan o'zga kafolatlar beriladi. Mehnat shartnomasi bo'yicha ta'lim tashkilotlarida ishlab chiqarishdan ajralmagan holda o'qiyotganlarga villik mehnat ta'tillarini ish beruvchi, ularning xohishiga koʻra, bakalavriat talabalari uchun davlat attestatsiyasi va bitiruv malaka ishini himoya qilish, magistratura talabalari uchun magistrlik dissertatsiyasini himoya qilish vaqtiga yoxud imtihonlar va laboratoriya-imtihon

S.SHARIPOV, Termiz shahar adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti. J.ELOV

sessiyalari vaqtiga to'g'rilab berishi shart.

Muzrabot tumani prokuraturasi tergovchisi.

kitob insonni nafaqat ma'naviy boyitadi, balki unga qanoat, sabr, tafakkur va hayotga nisbatan chuqur munosabatni ham

esa insonni behudaga orzu

Kitob – yo'limizni

yorituvchi oftob

= Илғор тажриба

Мутолаа маданияти ва креативлик

ўкувчиларда уни шакллантиришда адабиёт дарсларининг ўрни ва ахамияти

Адабиёт дарсларининг бугунги кундаги ахамияти хақида гапиришдан олдин "Адабиёт нима?" деган саволга жавоб беришимиз лозим. Жадид адабиётининг буюк намояндаси Абдулла Авлоний шундай дейди: "Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи хаёти тили ва адабиётидир".

Хар бир миллат ўз тили ва адабиётига эга. Адабиёт эса миллатнинг рухини, ўтмиши ва келажагини, анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этади. Чўлпон "Адабиёт надур?" мақоласида миллат ҳаёти, ватан равнақида адабиётнинг ўрни хакида жиддий фикрларни баён этади: "Ха, тўхтамасдан ҳаракат қилиб турган вужудимизга, танимизга сув, хаво нақадар зарур бўлса, кирланган рухимиз учун хам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса, миллат яшар".

Чўлпон адабиётни кишининг онгигагина эмас, балки туйгуларига хам таъсир қилишини таъкидлаб шундай дейди: "Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, ...ўчган, мажрух, ярадор кўнгилга рух бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдургон, ўткур юрак кирларини ювадургон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруг ва равшан қиладурғон, чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдургон булоқ суви бўлгонликдан бизга гоят керакдир".

Адабиёт инсон хаётида мухим ўрин тутади. Шу сабабли умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфидан бошлаб адабиёт дарси ўтилади. Адабиёт дарслари ўқувчи билан китоб ўртасидаги воситадир. Биз, ўқитувчилар адабиёт дарслари орқали ўқувчиларни китоб ўқишга қизиқтиришимиз, уларда мутолаа маданиятини хамда креативликни шакллантиришимиз лозим. Бир хакикатни тан олишимиз керакки, фарзандларимиз китоб ўкимай қўйган эди. Телефон, компьютер, ундаги турбуткул ўзига тортиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилда им-

золанган "Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш хамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури тўгрисида"ги қарор айни вақтида қабул қилинган хужжат бўлди. Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида, таълим муассасаларида китобхонлик кечалари ташкил этилди. Кутубхоналар янги-янги китоблар билан бойитилди. Оммавий ахборот воситалари хам бу борада таргибот ишларини олиб борди. Нафақат ўқувчилар, талабалар, кенг омма китоб мутолаасига қизиқиб кетди. "Ёш китобхон", "Китобхон оила" каби бир қатор кўриктанловлар жорий этилди. Бу эса она тили ва адабиёт фани ўкитувчилари зиммасига улкан масъулият юклади. Қарор мохиятида бироз мутолаадан йироқлашган болаларни яна китобга якинлаштириш масаласи турар эди. Мен шу ҳақдаги фикрларимни сиз билан ўртоқ-

Маълумки, адабиёт дарсликларида халқ оғзаки ижодидан намуналар, шоир ва ёзувчилар ижоди, асарларидан парчалар берилган. Бу маълумотларни ўқувчига қандай етказиш ўқитувчидан билим ва тажриба талаб этади. Ўқувчилар шеър ёдлашни яхши кўради. Агар озгина рагбатлантирли ўйинлар болаларимизни сангиз йирик хажмли шеърларни хам сиз айтмасингиздан олдин ёдлаб келади. Бу

май, тўлик нашрини ўкитиш, ўқувчини мустақил ўқишга, мутолаага ўргатиш энг долзарб масала. Мен дарс жараёнида асардан келтирилган парчани ўқувчилар билан бирга мухокама қиламан (уйда ўқиб келишган бўлади). Ўқиганларини оғзаки баён қилишади, бирбирини тўлдиради. Қахрамонлар такдирига муносабат билдиради. Суҳбат, баҳс-мунозара фақат дарсликда келтирилган парча юзасидан бўлади. Ўқувчиларни асарни тўлиқ ўқишга қизиқтириш учун эса дарсликда берилмаган энг қизиқ ёки энг таъсирли жойидан қисқа-

гина маълумот айтаман. Болалар жуда қизиқувчан бўлишади. Шу сабаб "кейинчи, кейин нима бўлади? деган саволлар ёгила бошлайди. Давомини навбатдаги дарсимизда сизлар менга сўзлаб берасизлар, дейман. Асарнинг тўлиқ нашрини кутубхонадан олиб, уйда ўқиб келишларини топшириқ бераман. Буни қарангки, ўқувчилар дарсдан сўнг тўгаракка хам китобни кўтариб келишади. Устоз биргаликда ўқийлик дейди. Синфда 1-2 нафари демаса барчаси асарни ўқиб чиқади. Шу 1-2 нафари хам синфдошларининг оғзидан олиб асар ҳақида тушунчага эга бўлишади. Чунки болалар мавзуни баён қилаётганда уларга диққат билан тинглашлари ва эшитганларини сўзлаб беришлари айтилади. Агар ўкитувчи болани бахолаётган вақтда унинг дарслик билан чегараланиб қоли-

олса, ўкувчи мажбур бўлади вазифани астойдил бажаришга. У энди асар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаса яхши бахо ололмаслигини англаб етади. Шу тариқа китоб мутолаасига киришиб кетиб, кейинги дарсларда сиз айтмасангиз хам ўзи китобни топиб тўлиқ ўқиб келади. Бу эса ўқитувчининг ютуғи. Умумий ўрта таълим мактаб-

лари ўқувчилари учун "Мен нечун севаман Ўзбекистонни", "Мен севган адабий қаҳрамон" "Жахолатга қарши маърифат" каби иншолар танлови, фестиваллар, "Мен муаллифман", "Йил хикояси", "Йилнинг энг истеъдодли ёш шоири" кўрик-танловлари ўқувчиларнинг ўз истеъдоди, иктидорини намоён этишда мухим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу каби танловларда қачон муваффақиятга эришиш мумкин? Качонки, ўкувчида мутолаа маданияти, креативлик шаклланган бўлса. Ўкувчиларда мутолаа маданиятини хамда креативликни шакллантиришда адабиёт дарсларининг ўрни ва ахамияти бекиёс.

Юкорида биз ўкувчини қандай қилиб китоб мутолаасига қизиқтириш ҳақида гаплашдик. Ўқувчи асарни ўқиди, мазмунини сўзлаб берди. Бу дегани бўлди энди, ўқувчи ҳаммасини билади дегани эмас. Энди унинг асар вокеаларига, қахрамонлар тақдирига муносабатини билишимиз керак. Хқувчи ўз фикрини тортинмай, қўрқмай, бемалол айта олиши ва мисоллар асосида химоя қилиши керак. Синфдаги 25-30 нафар боладан баъзилари унинг фикрини маъкулламаган холда хам у ўз фикрида қатъий туришига ўргатишимиз, ўқувчиларимизни бировларнинг фикрига кўр-кўрона эргашиб кетишига йўл қўймаслигимиз лозим. Улар асар мутолаасига ижодий ёндашиши керак. Хар бир асарни ўқиб тугатгандан сўнг иншо ёзади. Иншони ёзиш жараёнида уларда ижодкорлик қобилияти шаклланиши билан бирга мустақил фикр хам пайдо бўлади.

Бундан ташқари адабийбадиий кечалар ўкувчиларнинг баркамол шахс бўлиб улғайиликдаги билан чекланиб қол- тўлиқ ўқиганлигини инобатга Дарсликдаги битта асар ўқув- **таълими аълочиси.**

чилар томонидан танланади. Хамма бу асарни тўлиқ ўқиб чиқади. Тадбирнинг шарти: ота-оналар хам шу асарни ўқиб чиқишлари лозим. Ўқувчилар Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" асарини танлади. Тадбирни "Китоб-билим булоги" деб номладик ва ноанъанавий тарзда ўтказдик. Х.Тўхтабоевнинг ижоди, "Сариқ девни миниб" асари ҳақида видеоролик, ўқувчилар томонидан "Хошимжонагроном", "Хошимжон-шоир", "Хошимжон-ўқитувчи" деб номланган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Хошимжон тутган йўл тўгрими? Нега Хошимжон қаерга борса қувилади. Сабаби нимада деб ўйлайсиз? Сехрли қалпоқча нима учун Хошимжонга ёрдам бермади? Хошимжон охири қандай хулосага келди? "каби савол-жавобга ўқувчилар билан бир қаторда, ота-оналар ҳам фаол иштирок этишди.

Тадбир сўнгида ота-оналарга мактаб маъмуриятининг "Ташаккурнома"си топширилди. Ўқувчилар ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд. Фарзандларининг даврада ўзини тутишини, сўзамоллиги ва ижро махоратларини кўриб, адабиёт дарсларининг қанчалик аҳамиятли эканликларини яна бир бор тушуниб етишди. Эртаси кунидан бошлаб ота-оналардан "миннатдорчилик хатлари"кела бошлади. Бундай китобхонлик кечалари ўзим дарс берадиган бошқа синфларда ҳам анъана тусига айланиб кетди.

Адабиёт инсонни тарбиялайди. Бадиий китоб ўқиган ўқувчининг фикри теран, дунёқараши кенг бўлади. Асосийси, бир сўзли, қатъиятли, мустахкам иродали, баркамол шахс бўлиб улғаяди. У яхши билан ёмонни, дўст билан душманни ажрата олади. Ён-атрофдагиларга, дўстларга, қариндош-уруғларга, халқига мехр-оқибатли, Ватанига садоқатли инсон бўлиб камол топади. Адабиёт ана шундай бебахо инсонларни тарбиялайди. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим айтганидек: "Адабиёт улкан одамларни яратади. Қўрқоқларнимас, хизмат корларнимас, хоинларнимас соткинларнимас, порахўрларнимас, МАРДЛАРНИ, ВАТАН ПАРВАРЛАРНИ яратади. Халқига хизмат қиладиган одамларни яратади".

Муяссар ХОЛМАМАТОВА, 7-мактабнинг она тили ва яхши. Аммо асарларни дарс- шига йўл қўймаса, асарни шида мухим роль ўйнайди. адабиёт ўкитувчиси, халк

Aholi vakillari mamnun

Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi aholisiga axborotkutubxona xizmati koʻrsatishni takomillashtirish to'g'risida" 2019-yil 7-iyundagi PQ 4354-son qarori ijrosini ta'minlash magsadida, tuman Axborot-kutubxona markazi ma`muriyati tomomonidan joylarda aholi uchun kutubxonalar tashkil etilmoqda. Jumladan, shunday kutubxona tumandagi Bodomzor mahallasida o'z faoliyatini boshladi. Bodomzor Madaniyat mahallalari aholisi uchun ochilgan ziyo maskanidan ko'pgina badiiy, she'riy, ilmiyommabop kitoblar joy olgan.

Aholi o'rtasida targ'iboti", "Kitob taqdimoti", tashkilotlarda (maktab, bog'cha va boshqa) "Kitoblar ko'rgazmasi" va yana "Kitob – bizning do'stimiz", 'Kitob – qalbning quvonchi, tafakkurning qanoti" nomli kitoblar

O'zbekiston Respublikasi taqdimoti o'tkazib kelinmoqda. Albatta, bu ishlarning negizida aholini kitobga bo'lgan qiziqishini oshirish, yoshlarning ma'naviyatini kengaytirish, ularning bilimlarini

oshirish maqsadi koʻzlangan. Shuningdek, keksa yoshdagi va imkoniyati cheklangan fuqarolarning uylariga borib, qiziqarli badiiy kitoblar yetkazib bermoqdamiz. Nuroniylardan eng faol Muhammadi Doniyev, Saida Jummayeva, Sattor Siddiqov, Ochil Normamatov, Rajab Safarovlar hamda Muhammadiyeva, Muyassar Abdullazizova, Aziza Qodirova kabi maktab yoshidagi kitobxon bolalar xizmatdan bahramand bo'lib, o'z minnatdorchiliklarini bildirishavapti.

Mohichehra BOLTAYEVA tuman Axborot-kutubxona markazining Abonement va foydalanuvchilarga xizmat ko'rsatish bo'limi mutaxassisi.

Кимлар автотураргохлардан бепул фойдаланиши мумкин?

Ўзбекистон Республикаси транспорт воситасини бошқа-Вазирлар Махкамасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўгрисида" 2018 йил 7 мартдаги 183-сон қарорига мувофиқ, қуйидаги шахслардан автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди:

- "Ногирон ҳайдовчи бошараетган автомооил таниклик белгиси ўрнатилган авто- бош юрисконсулти.

раётган I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахслар;

- 16 ёшгача ногиронлиги бор боласи бўлган ота-оналар (ёки унинг ўрнини босувчи шахслар).

Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун тасдиқловчи ҳужжатлар, яъни ногиронликни тасдиқловчи тиббий маълумотнома хамда тегишли пенсия гувохномаси бўлиши лозим.

A.XAMPAEB.

туман адлия оулими юхкм

E'lon

Chaqiriluvchilar va ularning ota-onalari diqqatiga



Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 7iyuldagi «Chaqiriluvchilarni tanlab olish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida» 2025-yil 7-iyuldagi 413-son qarori hamda Muzrabot tumani Hokimining 2025-yil 28-iyuldagi 180-8-115-F-25-son farmoyishi ijrosini ta`minlash va Qurolli Kuchlar tarkibini intelektual salohiyatli, aqliy-ruhiy jihatdan yetuk, bilimli va jismonan sogʻlom chaqirilivchilar bilan toʻldirish hamda fuqarolarni 2026yil uchun muddatli harbiy xizmat (bir yillik)ga sifatli saralab olish uchun Muzrabot tumani mudofaa ishlari bo'limida 2025-yil 10avqustdan tanlov oʻtkazilmoqda. Muzrabot tumanida isiqomat qiluvchi 18-27 yosh oraligʻidagi chaqiriluvchilarni tuman mudofaa ishlari bo'limida umumjismoniy tayyorgarlik va yakka tartibdagi suhbatlarga qatnashishini soʻraymiz.

Harbiy boʻlish istagidagi barcha zabardast yigitlarimizni chorlab golamiz!

Tanlov 2025-yil 10-avgustdan e'tiboran (bayram kunlari hamda shanba va yakshanba kunlaridan tashqari) har kuni soat 9-00 da boshlanadi.

Manzil: Muzrabot tumani Yangi hayot mahallasi Ahillik ko'cha 1-uy. Murojaat uchun telefon ragamlar: 76-34-91-474, 99-202-59-38,

Bolaligim o'tgan qishloq

Yuragimning eng beg'ubor sahifasi

Har bir inson galbida oʻchmas iz qoldirgan bir maskan bo'ladi. Menga bu joy - Yoʻlchi mahallasidagi Gulbahor qishlogʻi. Bu erda men hayotning ilk saboqlarini oldim, mehr, halollik, sadoqat va insoniylik kabi qadriyatlarni yuragimga singdirdim. Tonggi qushlar sayrashi, saharda esadigan sokin shamol, koʻchamizdagi har bir tup daraxt, devor barchasi bolaligimning goʻzal sahifalaridir.

Men oʻqigan 36-maktab bolaligimning yurakda muhrlangan eng iliq maskanidir. Biz, 24 nafar oʻquvchi birgalikda saboq olib ulgʻaydik. Ustozlarimiz bizga nafaqat dars oʻtishdi, balki hayot yoʻlida toʻgʻri yoʻl koʻrsatdi. 2011-yilda maktabni tugatdik va har birimiz turli yoʻllardan hayot sari qadam qoʻydik. Ba'zilar oʻqishga kirdi, yana kimdir ish boshladi boshqalar esa oʻzga yurtlarga yoʻl olishdi. Ammo bizni birlashtirgan maktab va do'stlik xotirasi hanuz qalblarimizda saqlanib qolgan.

Oradan yillar oʻtib, taqdir

sababli BEKOR QILINADI.

meni shu muqaddas dargoh -36-maktabga olib keldi. Bugun men oʻzim saboq olgan dargohda oʻqituvchi boʻlib ishlayapman. Bu men uchun nafaqat kasb, balki faxr, sharaf va katta mas'uliyatdir. Har bir o'quvchining nigohida o'zimni koʻraman, darslarda oʻtmishdagi orzularimga qaytaman. Ular bilan birga men ham o'saman. yashayman. yangidan O'quvchilarimga nafaqat bilim, balki hayot saboqlarini berishga harakat qilaman. Chunki men yaxshi bilaman bir kun ular ulgʻayadi va shu maskanni yuragida olib yuradi.

Yoʻlchi mahallasi - bu mening ildizim. U erda ota-onam, qo'shnilarim, mehr bilan o'sgan makonim bor. 36-maktab esa men uchun orzularimning boshlanish nuqtasi. Bolalik bu o'tgan hayot emas, balki bugunimni ilhomlantirayotgan kuchdir.

Qachonlardir biz bitta sinfxonada birga orzu qilganmiz, hozir esa boshqaboshqa yoʻldamiz. Ammo qalbimizda bir-birimizga bo'lgan sadoqat saqlanib qolgan. Bugun esa men o'sha maktabda, bolalik izlari bilan yashayotganimdan behad baxtiyorman.

Farangiz NORBOYEVA, 36-maktab o'qituvchisi.

Шеърият

ИЛМГА ТАШНА ДИЛ

филология фанлари доктори, синфдош дўстим Бекпулатжон Умркуловга багишлов

Юз йилда туғилар элда дахолар, Дейилмиш донолар хикматларида. Халқимда ёйилмиш хушнуд садолар, Олимлар уларнинг хизматларида.

Мачай тогларининг зилол сувлари, Завқни келтирувчи майин ҳаволар. Жумбушга келтириб нозик қалбларни,

Эхтимол шундандир қишлоғимизнинг, Бисёрдир шоир-у уламолари. Улар ғуруримиз, фахримиз бизнинг, Ростини айтганда, қишлоқнинг ори.

Дилга бағишлайди, хушнуд наволар.

Менинг хам дўстим шулар қатори, Олимлик йўлини тутиб беармон. Кун-у тун ёшларга зиё таратиб, Илмга етаклар халқни бегумон.

Розиқ авлодининг шу вакилига, Муяссар этилди чексиз билимлар. Илмга зўр эди ўз замонида, Аллаёр Охун ва мулло Олимлар.

Аждодлар йўлини тутган дўстимнинг, Шухрат-у шаънига хавас қиламан. Мен хам дахраро, камтар бир шоир, Машаққатли ишни яхши биламан.

Нормахмат МУХАММАДИЕВ, мехнат фахрийси, Мехнатобод махалласи.

Дилимни кемирар минг битта савол, Юрагим ноласин, дардимни эшит, Тангримни бандаси, бўлмагин ношуд, Гўдаклар термулиб ота деб яшар.

Тунлари оҳиста шамоллар эсар, Хаста-ю бедаво тангрим деб кезар, Дунё дарди, иши дилимни эзар. Гўдаклар термулиб она деб яшар.

Паридек қизалоқ бўлган термулчоқ, Сўзидан бол томар кўзлари мунчок, Хатто оналарнинг мехрига мушток, Гўдаклар термулиб она деб яшар.

Бандамиз, гўдаклар кўрмасин завол, Оналар, иймонни ўйлайлик аввал, Болалар илинжи қалбимда савол, Гўдаклар термулиб ота деб яшар.

Кимга кенг, кимга тор бўлди бу олам, Отасиз, онасиз эмассан, болам, Мургак норасиданг кийнама, одам, Гўдаклар термулиб ота деб яшар.

Эгам бандалар - гўдак бегунох, Вужудинг бўлади ташлагин нигох, Кўзимдан ёш томар турганда ногох, Гўдаклар термулиб она деб яшар.

> Тохир ЯХШИБОЕВ, Нурли хаёт махалласи.

Umirov Ilhom Xolmuminovichga 2020-yil 11-dekabrda berilgan

2023-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 R 75 V 406 UA boʻlgan «Nexia» rusumli yengil 270 UA bo'lgan «COBALT AT» rusumli yengil avtomobilga berilgan AAG 2624466 raqamli transport avtomobilga berilgan AAG 2498022 raqamli transport vositasini qayd etish guvohnomasi yoʻqolganligi vositasini qayd etish guvohnomasi yoʻqolganligi sababli BEKOR QILINADI.

Nizamov Sherali Choriyevichga tegishli 2023-

Raximov Jaxongir Choriyorovichga 2018-yil 8-martda berilgan «B,C» toifali AA № 0470159 raqamli haydovchilik guvohnomasi yoʻqolganligi sababli **BEKOR** QILINADI.

«B,C» toifali AF № 2145479 raqamhaydovchilik guvohnomasi yoʻqolganligi sababli BEKOR QILINADI.

MUZRABOT

Tursunova Mehriniso Norboyevnaga tegishli

MUASSISLAR: Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligi

Muharrir Abdusalom YO'LDOSHEV

Tahririyat manzili: 191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo'rg'oni, Amir Temur ko'chasi, 38-uy. Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ISSN 2181-7006. ro`yxatga olingan.

e-mail:shaymardonov8787@mail.ru Buyurtma G- 2230 nusxada bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi-473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi B.Shoymardonov. Navbatchi muharrir A.Yoʻldoshev. Navbatchi O.Hakimova.

Gazeta «Surxon tongi» va «Заря Сурхана» gazetalari tahririyati bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona кoʻchasi, 19-A uy. Topshirish vaqti — 14-00. Topshirildi — 14-00